2017 йил 13 март, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (13.382)

Баҳоси эркин нархда

## БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 март куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари ўзининг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Бухоро вилоятини ҳам ривожлантириш бўйича улкан режаларни баён этган эди. Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, истиқболли лойиҳалар билан танишмоқда.

Бухоро асрлар давомида жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келган, ҳақли равишда шарифлик мақомига сазовор бўлган муқаддас шаҳарлардан.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Бухорода беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. "Бухоро маданий маркази", унинг таркибидаги "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи бухороликлар ва вилоятга келувчи сайёҳларнинг севимли масканига айланган.

Сўнгги йилларда бу борадаги ишлар вилоятда янада кенг кўламда амалга оширилмоқда. 2016 йилда вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,9 фоиз ошди. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 67,9 фоизни ташкил этди.

Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши давом этмоқда. Мажмуа таркибига йилига 8,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш қувватига эга завод, 114 қазиш қудуғи, 11 махсус майдон ва 4 йиғув пунктини ўз ичига олган табиий газни тўплаш тизими киради. 370 километр газ қувури, 160 километр автомобиль йўли қуриш режалаштирилган бу лойиҳа Ўзбекистон газ конларини ўзлаштиришни янги босқичга кўтаради. Марказий Осиёдаги йирик ишлаб чиқариш мажмуаларидан бири бўлган ушбу заводда 2 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилади.

2016 йили энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Тошкент – Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поездининг илк қатнови амалга оширилди. Бундан вилоят аҳлининг кўнгли кўтарилиб, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифини буюк алломаларимиздан бири Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Эски тузум даврида бу муқаддас маскан хароб бўлиб қолган эди. Истиқлол йилларида миллий, маданий ва маънавий қадриятларимизни, тарихий обидаларимизни тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан мазкур зиёратгоҳ таъмирланди. Мажмуадаги даҳмалар, мақбаралар, масжидлар, айвонлар ва мадрасанинг тарихий қиёфаси тикланиб, қутлуғ қадамжога айлантирилди.

Бугун бу маскан юртдошларимиз ва хорижий сайёҳлар қадами узилмайдиган зиёратгоҳлардан биридир.

Таомилга биноан Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз мазкур ёдгорлик мажмуасини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Бухоронинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Бу заминда кўплаб алломалар таваллуд топган ва яшаган. Уларнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун бу ерда Тошкент ислом университетининг махсус факультетини ташкил қилиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Бухоро темир йўл вокзалида йўловчилар учун яратилган шароитларни бориб кўрди.

Узоқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йилларда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинди, электрлаштирилди. Янги йўналишлар очилиб, янги темир йўл вокзаллари қурилди, мавжудлари таъмирланди.

Мазкур вокзал Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 6 мартдаги "2015 – 2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникацион ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарорига асосан янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Вокзалда VIP ва турли хизматлар кўрсатиш заллари, тиббиёт, она ва бола, дам олиш хоналари, кутубхона, савдо шохобчалари мавжуд. Бино ташқарисида 4 янги чиптахона ва фаввора қурилган.

Майдони 2,9 гектар бўлган вокзал бир вақтнинг ўзида 500 дан зиёд йўловчига хизмат кўрсатади. Бир кеча-кундузда 2 мингдан ортиқ йўловчини кутиб олиб, жўнатиш имкониятига эга.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Бухоро – Мискин темир йўл қурилишининг бориши билан танишди. Ушбу темир йўл 350 километрдан зиёд. Лойиҳанинг умумий қиймати 283 миллион долларни ташкил этади. Мазкур йўналиш бўйича қуриладиган темир йўлда 8 темир йўл станцияси ва разъездлар барпо этиш белгиланган.

*(Давоми 2-бетда)*

## Наврўз – 2017

### СУНЬ Лицзе: НАВРЎЗ – ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ, МЕҲР-ОҚИБАТ, САХОВАТ ВА ЭЗГУЛИК РАМЗИ

***Йилнинг энг ажиб ва гўзал фасли баҳор кириб келди. Наврўз айёми ҳам тобора яқинлашмоқда. Бу байрам ўзининг тарихи, фалсафаси, гўзаллиги билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.***

Наврўз арафасида **Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси СУНЬ Лицзе** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ўзбекистон нафақат ноёб тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари, замонавий бинолари, балки турфа анъана ва урф-одатлари билан ҳам дунёга машҳур. Ўзбекистонда ҳар бир байрам мазмунли, шоду хуррамлик билан ўтади.

Наврўз юртингизда азалдан анъанавий нишонланиб келинаётган байрамлардан биридир. Қадимги миллий қадриятлар тимсоли бўлган ушбу байрам халқингизнинг бағрикенглик, яхшилик, саховат ва меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларини намоён этади.

Мен Ўзбекистон халқининг кўп асрлик урф-одат, анъана ва қадриятларини чуқур ҳурмат қиламан. Мамлакатингизда миллий қадриятлар ва анъаналарни қайта тиклаш, уларни чуқур ўрганиш, янада ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир.

Ўзбекистоннинг баҳор келиши билан ўзгача тус олиб, янада чирой очиши унутилмас таассурот қолдиради. Наврўз арафасида ҳар бир ҳудудда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, ҳашар ўтказилиши анъанага айлангани диққатга сазовордир. Бундай эзгу анъаналар одамларни жипслаштириб, жамиятда тинчлик, тотувлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Мамлакатингизда Наврўзни кенг нишонлаш гўзал анъанага айланган. Бу байрамни бир неча йилдан буён Ўзбекистон халқи билан биргаликда нишонлаётганимдан хурсандман. Тошкент шаҳридаги майдон ва хиёбонлар, барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам сайилларини интиқлик билан кутаман.

**– Элчи жаноблари, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?**

– Жорий йил мамлакатларимиз учун алоҳида аҳамиятга эга йил эканини таъкидлашни истардим. Негаки, бу йил ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ва муваффақиятли ривожланмоқда. 2016 йил Хитой ва Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини йўлга қўйди.

Мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги ташрифлар амалга оширилмоқда, ўзаро ишонч юксалиб, хавфсизлик соҳасидаги самарали ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тобора кенгаймоқда. Давлатларимиз минтақавий ва халқаро масалаларни ҳал этишда яқин ҳамкорлик қилмоқда ва уларнинг бу борадаги фикрлари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Хусусан, 2016 йил июнь ойида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, сўнгги ойларда ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир неча марта мулоқотда бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истаги муштараклигини билдирди.

*(Давоми 2-бетда)*

## АХБОРОТ

***2017 йил 10 март куни Қозоғистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси – Хавфсизлик кенгаши котиби В.Жумаканов бошчилигидаги делегация Тошкентда бўлди.***

Икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва давлат муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтган музокаралар чоғида барқарорлик ва хавфсизликка раҳна соладиган замонавий таҳдид ва хатарларга, диний экстремизм, терроризм, ноқонуний миграция ва бошқа хавфларга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Музокаралар халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг кўплаб масалалари бўйича икки мамлакат позицияси бир-бирига мос ва ўхшаш эканини тасдиқлади.

Юзага келадиган замонавий таҳдид ва хавфларга биргаликда қарши туриш учун ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга доир аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Икки давлат кўп қиррали муносабатларни 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома руҳида янада ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Икки мамлакатнинг хавфсизлик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш ва минтақанинг изчил ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

В.Жумаканов тадбирни юксак савияда ташкил этгани ва ҳар икки томон учун долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилиш имкониятини яратилгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдирди.

**ЎзА**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат банки аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга бағишлаб матбуот анжумани ўтказди.***

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





## АРЗОН ВА ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР

Аҳолининг замонавий ва арзон уйларга бўлган эҳтиёжи асосида имтиёзли кредит беришнинг юқори даражадаги шартлари жорий этилаётгани, бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори кенг кўламли ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бергани алоҳида қайд этилди.

Мазкур қарордан мақсад шаҳарда яшаётган аҳолини, шу жумладан, ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон, қулай, замонавий уй-жойлар билан таъминлаш йўли билан уларнинг турмуш даражасини янада ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришдан иборатдир.

Қарорга мувофиқ, 2017-2020 йилларда шаҳарларда 945 кўп хонадонли уй-жой қурилиши режалаштирилган. 2017 йилда 191 кўп хонадонли уй қурилиши белгиланган ҳамда шу кунларда уларни қуриш ишлари бошлаб юборилган. Шундан 102 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилади.

– Уй-жойга муҳтож фуқаролар шаҳарлар ҳокимликларида ташкил этилган ҳудудий комиссияларга ариза билан мурожаат этиши керак, – дейди ЎзА мухбирига банкнинг турар жой бинолари қурилишини молиялаштириш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Тошпўлатов. – Комиссиянинг ижобий хулосасига кўра, кўп қаватли уй-жойдаги хонадонлардан бири фуқарога бириктирилади. Шу вақтнинг ўзида хонадон қийматининг камида 25 фоизи миқдоридаги сумма бошланғич бадал сифатида банкимиз филиалларида шакллантирилиши лозим.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, уй-жой қуриб битказилгач, бириктирилган хонадонни сотиб олиш истагидаги фуқаро банкка бир қатор ҳужжатлар тақдим этиши зарур. Ариза, кредит олувчининг паспорт нусхаси, кредит олувчининг охирги 12 ойда олган даромадлари тўғрисидаги маълумотлар шулар сирасидандир.

– Йигирма йилга бериладиган кредитнинг имтиёзли даври уч йил, – дейди банкнинг ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлиғи Бобур Нурмуҳамедов. – Шунингдек, унинг дастлабки беш йилида тўлов кредит миқдорининг етти фоизидан иборат бўлиб, кейинги йиллар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасига кўра ҳисобланади. Биз сотиб олинадиган уй-жой умумий қийматининг 75 фоизи миқдоригача бўлган суммани кредит сифатида берамиз.

Эътиборлиси, кредит олувчига яна бир қатор солиқ имтиёзлари ҳам яратилганидир. Бунда кредит олувчининг ўзи ёки оила аъзоларининг кредит бўйича ойлик тўловларни қайтариш учун йўналтирган маблағи солиққа тортилмайди. Агарда корхоналар қайтиб олмаслик шарти билан ўз ходимларига ипотека кредитининг бошланғич бадалини тўлаб берган бўлса, мазкур маблағ ҳам солиққа тортилмайди. Шунингдек, кредит тўлиқ қайтгунига қадар хонадон учун мол-мулк солиғи тўланмайди. Янги турар жой бинолари атрофида аҳоли учун дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль туриш жойлари, чиқинди йиғиш пунктлари қурилиши режалаштирилган. Ҳудуд ободлиги таъминланади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Сайёра ШОЕВА**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Пскент туманида Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий ҳамда Тошкент вилояти кенгашлари томонидан доимий электорат манфаатларига алоқадор ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир кўрсатишда сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.**

**• Самарқандда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси ўтказилди. Кўргазмада жаҳон андозаларига мос келадиган янги, юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва бошқа илмий технология маҳсулотларини яратишга имкон берувчи саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларига доир информацион технологиялар ҳамда илм-фан соҳасидаги 150 га яқин инновацион технология ва ишланмалар намойиш этилди.**

**• Қаршида "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. 14 милиция таянч пункти иштирок этган танловда Қарши шаҳрининг "Гулшан" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 20-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллади ва мамлакат босқичига йўлланма олди.**

**• Фарғонада вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан "Миллий либос – маънавият кўзгуси" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда ҳудудий саралаш босқичларида ғолиб бўлган жамоалар ўзаро баҳслашди.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида иккита ўзи бошқариладиган микроавтобуснинг тест синовлари бошланди. Ҳайдовчисиз бошқариладиган ушбу автобусда йўловчилар тўпланиб турган жойда тўхтаб, уларни салонга олиш имконияти мавжуд. Тест синовлари муваффақиятли ўтса, йил охирларига бориб бундай автобусларни оммавий равишда жорий қилиш режалаштирилмоқда.**

**• Германиянинг Дюссельдорф шаҳридаги вокзалда болта билан қуролланган кишининг ён атрофдагиларга ҳужум уюштириши натижасида бешта одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

**• Қобул шаҳридаги ҳарбий госпиталга шифокорлар кийимини кийган жангариларнинг ҳужуми натижасида 30 дан ортиқ одам ҳалок бўлди. Жангариларга қарши амалга оширилган махсус операция чоғида тез орада уларнинг барчаси йўқ қилинди.**

# БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2015 йил 6 ноябрда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Испаниянинг "Patentes Talgo, S.L.U" компанияси ўртасида юқори тезликда ҳаракатланувчи яна 2 электропоездни харид қилиш бўйича шартнома имзоланган эди. Шартномага мувофиқ, ушбу замонавий электропоездларнинг биттаси мамлакатимизга олиб келинди.

Президентимиз янги "Afrosiyob" электропоездининг имкониятлари, йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишди.

Замонавий электропоезд олдингиларига қараганда янада кенг имкониятларга эга. Хусусан, шу вақтга қадар ҳаракатланаётган юқори тезликдаги электропоездлар 215 йўловчи сиғимига эга эди. Янги поезд 287 йўловчига мўлжалланган. Унда "эконом" тоифали вагонлар сони 2 та кўп.

Тез кунларда электропоезднинг иккинчиси ҳам олиб келинади. Поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш баробарида қўшимча иш ўринлари яратилиб, 15 машинист ва 50 га яқин вагон кузатувчисини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси ҳудудида юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларга хизмат кўрсатиш цехи қурилмоқда. Бу ҳам янги иш ўринларини кўпайтириш имконини беради.

Президентимиз "Бухоро бриллиант силк" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида бўлиб, вилоятда аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган бир қанча лойиҳалар билан танишди.

2010 йилда ташкил этилган, замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхонада пилла қайта ишланиб, турли ўлчам, кўриниш ва рангдаги матолар тайёрланмоқда. Бунда буюртмачи таклифи ва бозор талаби асосида иш тутилмоқда. Ҳозир бу ерда "Баҳор", "Ёмғир", "Юлдузлар" каби ўнлаб кўринишдаги матолар ишлаб чиқарилмоқда. Матога босилган гулларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг ранги ўчмайди, сув ва қуёш нурига чидамли.

Ипак матолар экологик тоза, ҳар қандай иқлимга мос. Маҳсулот буюртма асосида Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги харидорларга етказиб берилмоқда. Тайёр маҳсулотни экспорт қилиш бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаётир.

Айни пайтда "Бухоро бриллиант силк" қўшма корхонасининг ипак толалари хорижда харидоргир. Ўтган йили Эрон, Вьетнам, Туркия, Ҳиндистонга қарийб 2,5 миллион долларга тенг маҳсулот экспорт қилинди.

Бундай корхоналарни кўпайтиришимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу корхоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик қилиш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан собиқ "Бухоротекс" АЖ негизида ташкил этиладиган "Индорама Индаст ЛТД" Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишди.

Бухоро вилоятида етиштирилган пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона ишга тушгач, 400 га яқин иш ўрни яратилади. Корхонага Швейцариянинг "Ритер" компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий ва энергиятежамкор технологияларни ўрнатиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида пахтани қайта ишлайдиган замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Бу ҳудудда етиштирилган пахта толасини шу ернинг ўзида қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Президентимизга "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти томонидан 2017-2018 йилларда Бухоро вилоятида пахта толасини қайта ишлаш дастури лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Бугун Бухорода етиштирилаётган пахта толасининг 20,6 фоизи вилоят ҳудудида саноат усулида қайта ишланмоқда. Янги лойиҳа бўйича вилоятнинг 7 шаҳар ва туманида 13 йирик саноат корхонасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу вилоятда етиштирилган пахта толасининг 65 фоизини қайта ишлаш, 5 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш имкониятини яратади.

Дастурни бажариш учун мамлакатимиз тижорат банклари маблағлари ва чет эл инвестициясини жалб қилиш режалаштирилган.

Ердан унумли фойдаланиш, тутзорлар барпо этиш бўйича янги лойиҳа тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимизда етиштирилган ипак толасига дунё бозорида талаб юқори. Давлатимиз раҳбари мазкур соҳани янада ривожлантириш, тутзорларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу борадаги ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилаётган "Ўзбекипаксаноат" уюшмасининг таркибий тузилмаси билан ҳам танишди.

Вилоятда аграр тармоқни янада ривожлантиришда ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларида қишлоқ хўжалигининг биз янгидан ўзлаштираётган соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Бухоро шаҳрида ишга туширилаётган "Бухоро коттон текстиль" корхонаси лойиҳаси билан танишар экан, Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда етиштирилган пахтани тола кўринишида сотиш энг кам даромад келтиришини, пахта толасини қайта ишлаб, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

1000 кишининг бандлиги таъминланиши кўзда тутилган корхонада 6,5 минг тонна калава-ип, 10 минг квадрат метр жинси мато ва 1,5 миллион дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Президентимизга Олот туманидаги "Мергантекс" масъулияти чекланган жамияти, Пешку туманидаги калава-ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кўп тармоқли корхона, Бухоро шаҳрида пахта етиштиришдан тайёр тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери тузиш, табиий ва кимёвий толалардан интеграция асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги Арк қўрғони мажмуасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимотида иштирок этди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури асосида 39 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Мамлакатимизда туризмнинг зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Дастур доирасида БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) ҳамда туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, сайёҳлик индустрияси объектларини жадал ривожлантириш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирларига 18,5 миллиард сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар ва бошқа ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Вилоятда рақобатдош туризм маҳсулотлари ва хизматларини яратиб, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғиб қилиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш, соҳада реклама-ахборот фаолиятини кенг йўлга қўйиш бугунги кун талабидир.

Бухоронинг кўҳна ва боқий шаҳар, деб аталишида катта маъно бор, деди Шавкат Мирзиёев. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атиқалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Чет элликларнинг, тарихчи ва мутахассисларнинг уларга қизиқиши доимо юқори бўлган. Бундан самарали фойдаланиш керак.

Бухорода кичик ҳалқа йўли бунёд этиш, йўлакларга мармар ва ишлов берилган тошлар ётқизиш, бино ва йўлларнинг ёритиш тизимини замонавийлаштириш, меҳмонхона ва иншоотлар қуриш, улар атрофига ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос дарахт ва гуллар экиш, маҳаллий ва чет эллик инвесторлар учун барча қулайлик ва имкониятларни яратиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Президентимиз Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳасини кўздан кечирди.

1,2 гектар майдонни ўз ичига оладиган ушбу музей қурилишига бюджет маблағлари ҳисобидан 68,3 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланмоқда. Музей ишга туширилганидан сўнг, Арк қўрғонида сақланаётган ноёб экспонатлар у ерга кўчирилади. Олтмишдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шавкат Мирзиёев маданий мерос объектларининг бугунги кундаги ҳолати ва уларни сақлашга доир лойиҳалар тақдимотлари билан ҳам танишди.

Бухоро вилоятида 660 маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг аксарияти археологик объектлар, монументал санъат асарлари, архитектура ёдгорликларидир.

Президентимиз ушбу маданий мерос объектлари халқимизнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиз эканини таъкидлади. Маданий мерос объектларини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан соҳа мутахассислари ва уста-қурувчиларга зарур кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Жондор туманидаги "Жондор чинор чорва" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этиладиган паррандачилик мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

Бухоро вилоятида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида интенсив технологиялар кенг жорий этилмоқда. Натижада тухум ва парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Бугунги кунда вилоятда паррандалар 3,8 миллион бошга, тухум ишлаб чиқариш 347,7 миллион донага етди.

Парҳез гўшт етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида "Жондор чинор чорва" масъулияти чекланган жамияти Нидерландиядан наслли парранда олиб келди. Энди корхона негизида қўшимча равишда парранда гўштини қайта ишлаш цехи, 110 минг бош жўжа ўстиришга мўлжалланган мажмуа ишга туширилади. Умумий қиймати 15 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа натижасида парранда гўшти тайёрлаш 2 минг тоннага етказилиб, унинг минг тоннаси қайта ишланади. Аҳолига 18 миллион дона тухум, 1 миллион дона жўжа етказиб берилади. Жами 285 иш ўрни яратилади.

"Ўзмиллийбанк" ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва "Property Industry" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигида Бухоро туманида 38 гектарда агрологистика маркази барпо этилмоқда. 21,8 миллион долларлик мазкур лойиҳа доирасида бу ерда Хитой, Германия, Дания технологиялари асосида мева-сабзавотларни қуритиш, музлатиш, мураббо, жем ва тузламалар ишлаб чиқариш қувватлари, музлаткич ва сублимация ташкил этилади. Бу йилига 10 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш, дастлабки йилларда 6,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконини беради. 250 доимий иш ўрни яратилади.

Ушбу агрологистика марказида маҳаллий хомашё асосида эни 12 метрлик полиэтилен плёнкалар, агрокимёвий воситалар ва суюқ ўғитлар ҳам ишлаб чиқарилади. Шу пайтгача хориждан келтирилган бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиш билан бирга, экспортга ҳам йўналтирилади.

Пешку туманида ташкил қилинадиган чорвачилик комплекси лойиҳаси намойиш этилди.

2016 йилда Бухоро вилоятида қорамоллар бош сони 2015 йилдагига нисбатан 4,1 фоизга, қўй ва эчкилар 5,5, гўшт етиштириш 7,1, сут ишлаб чиқариш 9,5 фоиз ошди.

Янги чорвачилик комплекси 1000 бош қорамол ва 1 минг 500 бош қўй боқишга мўлжалланган. Умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлган мазкур лойиҳа натижасида 2 минг 650 тонна сут, 200 тонна гўшт, 2,5 тонна жун ишлаб чиқариш режалаштирилган. 800 гектар майдонда озуқа етиштирилади. 100 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шу ерда Бухоро, Пешку, Ромитан, Олот туманларида ташкил этилаётган чорвачилик хўжаликлари лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Аму-Бухоро ирригация тармоқлари лойиҳаси тақдимоти билан ҳам танишди.

Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 25 августдаги қарорига мувофиқ "Аму-Бухоро ирригация тизимларини қайта тиклаш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шу кунгача Қуйи мозор, Қоракўл ва Олот насос станциялари реконструкция қилинди. Умумий қиймати 406 миллион доллардан ортиқ бўлган мазкур лойиҳа доирасида Аму-Бухоро-I янги насос станцияси қурилади, Аму-Бухоро-II, Қуйи мозор, Қизилтепа ва Қизилтепа-I насос станциялари реконструкция қилинади. Бунинг самарасида Бухоро вилоятида 275 минг, Навоий вилоятида 40 минг гектар ер сув билан барқарор таъминланади. Йилига 134,2 миллион киловатт электр энергияси, 25,6 миллиард сўмдан зиёд бюджет маблағи тежалади.

Президентимиз бу ирригация тизими Бухоро учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, ажратилган маблағ ва техникалардан оқилона фойдаланиш, белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ернинг ўзида жорий йилда Бухоро вилоятида ташкил қилинадиган интенсив боғлар режаси ҳам намойиш этилди.

Бухоро шаҳрида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаолларининг иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

СУНЬ Лицзе:

## НАВРЎЗ – ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ, МЕҲР-ОҚИБАТ, САХОВАТ ВА ЭЗГУЛИК РАМЗИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хитой ва Ўзбекистон халқларини азалдан ўзаро савдо муносабатлари, маданиятларни бойитиш ришталари боғлаб келган. Бугунги кунда сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, қурилиш, илм-фан, таълим ва маданият каби турли жабҳалардаги ҳамкорлигимиз янги ривожланиш босқичига кўтарилди.

Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари ШҲТ доирасида ҳам жадал ривожланмоқда.

Мамлакатларимиз қатор йирик инвестиция лойиҳаларини биргаликда ҳаётга татбиқ этмоқда. 2013 йили "Жиззах" махсус индустриал зонаси шаклида ташкил қилинган юқори технологиялар саноат парки бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу эркин иқтисодий зона ва унинг Сирдарё вилоятидаги филиалида мобиль телефонлар, тикувчилик машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ангренда Хитойнинг "Поли Технложи" компанияси билан ҳамкорликда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентaлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё – Хитой газ қувури тармоқларининг Ўзбекистон орқали ўтиши ёқилғи-энергетика соҳасидаги улкан салоҳият ва ўзаро манфаатдорликдан далолат беради. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатингиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. "Ўзбекистон – Хитой" ҳамда "Хитой Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик жамиятлари бу борада муҳим ўрин тутмоқда. Сўнгги йилларда талабалар алмашиш, хитой тилини ўқитиш, минтақалараро алоқалар, қўшма археологик экспедициялар ўтказиш, бадиий асарларни ҳар икки тилга ўгириш бўйича янги ютуқларга эришилди. Маданий-гуманитар ҳамкорлик эса мамлакатларимиз халқларининг қалбига ўзаро ҳурмат туйғуларини чуқур сингдирмоқда. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ташкил этилган Конфуций институтини сўнгги 12 йилда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 3 мингдан зиёд мутахассис битирди. Хитой қадимги маданият ёдгорликлари ишлари бўйича давлат бошқармаси, Хитой ижтимоий фанлар академияси, Хитой Шимоли-Ғарбий университети мутахассислари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан археологик тадқиқотлар олиб бориш ва тарихий обидаларни реставрация қилиш бўйича ҳамкорликда ишламоқда, Буюк Ипак йўлини қайта тиклашга ҳаракат қилмоқда. Ўтган йили хитойлик машҳур ёзувчи Лао Шэнинг "Мушуклар шаҳри хотиралари" асари ўзбек тилига таржима қилинди.

Шу билан бирга, Хитой Ўзбекистонга минтақавий транспорт узели сифатида алоҳида эътибор қаратади ва бу борада ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор. Барча соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик Хитой ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланишига ишонаман.

**– Жаноб элчи, Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаларини қандай баҳолайсиз?**

– Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлат. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасини ишончли ҳамкор, деб билади. Биз Ўзбекистон халқининг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танлаган тараққиёт йўлини, мустақилликни мустаҳкамлаш, суверенитети ва ҳудудлар яхлитлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳаёт даражаси муттасил ортиб бормоқда. Мамлакат бозор иқтисодиётига эга ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор индустриал ривожланган давлатга айланмоқда ва бу мустақилликка эришилгандан сўнг сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир. Саноат, жумладан, юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ўсиб, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестиция оқими кўпайиб бораётгани ва, айниқса, чет эллик шериклар учун бизнес муҳитининг мунтазам такомиллаштирилаётгани, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шу йилнинг 7 февралида тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни янада ривожлантириш йўналишлари аниқ белгиланган. Стратегияни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда ислоҳотларни илгари суриш, иқтисодиётнинг очиқлигини ривожлантириш ва рағбатлантириш, инвестициялар жалб этиш бўйича қатор аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатингизнинг ислоҳотлар ва очиқлик сиёсатидан Хитой ҳам манфаатдор.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, иқтисодий тараққиёт йўлида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ички инвестициялардан унумли фойдаланиш самарасида Ўзбекистон келажакда ўз олдига қўйган мақсадларни амалга оширишда юксак марраларга эришади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ривожлантириш инсон манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатнинг халқ билан мулоқоти борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Бу, ўз навбатида, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан самимий табриклайман. Ўзбекистон ва унинг дўст халқига чин дилдан тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Нодира МАНЗУРОВА**
**суҳбатлашди**

## АҲОЛИГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

***Чорвачилик, паррандачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, аҳолига маиший ва транспорт хизматлари кўрсатиш, савдо-сотиқни йўлга қўйиш сингари оммабоп тадбиркорлик йўналишларига тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар қулай шартлар ва қисқа фурсатларда тақдим этилмоқда.***

Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Банк ходимлари ҳар бир хонадонга кириб, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун мавжуд имконият ва шароитларни ўрганмоқда. Одамларнинг бу соҳадаги қизиқиш ва кўникмалари, тадбиркорликка оид ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида намунавий бизнес лойиҳалари тарқатилмоқда.

Бугунги кунга қадар 940 мингдан зиёд хонадон ўрганиб чиқилиб, 138 мингдан ортиқ киши тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган.

16 минг 771 фуқарога чорвачилик, 2 минг 91 фуқарога паррандачилик, 834 фуқарога иссиқхона ташкил этиш, 596 фуқарога мевали дарахт ва узумчиликни ривожлантириш, 600 дан ортиқ фуқарога бошқа тадбиркорлик йўналишлари учун банк томонидан 134 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилган.

2016 йилда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида банк томонидан 2 минг 806 фуқарога 164 миллиард 500 миллион сўмлик кредитлар берилган. Натижада 2 минг 200 дан ортиқ иш ўрни яратилган.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган уй-рўзғор буюмлари, маиший техника воситаларининг арзон ва қулайлиги аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Банк томонидан ўтган йилда шу турдаги товарларни харид қилиш учун 17 минг 500 дан зиёд кишига 97 миллиард 800 миллион сўмлик истеъмол кредитлари тақдим этилган.

– Имтиёзли кредит шартларининг қулайлиги менга қорамоллар сонини бир неча бошга кўпайтириш имконини берди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент вилояти Зангиота туманида истиқомат қиладиган Расулжон Қодиров.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

**Б.БОЗОРОВ**

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев ички ишлар органлари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ички ишлар органлари ходимлари билан аҳоли ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч ва очиқликни таъминлаш мақсадида профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари, "Маҳалла посбони" каби институтлар ташкил этилгани юртимизда тинч-осуда ҳаёт таъминланишига хизмат қилаётганини таъкидлади.***

## ПОЙТАХТИМИЗНИНГ НАМУНАЛИ МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ

Ички ишлар тизимида ўтказиб келинаётган "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танлови соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнаётир.

Пойтахтимизда мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичи якунларига бағишланган тадбирда бу алоҳида қайд этилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Б.Қурбонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Тошкент шаҳар прокурори Б.Қудратхўжаев ва бошқалар мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта ютуғи экани, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга барча бирдек масъуллигини таъкидлади.

Барча ҳудудларда маҳалла идораси ва милиция таянч пункти инфратузилмаси замон талаблари асосида бунёд этилган. Уларда профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссияси ва посбонларнинг бир жойда, ҳамкорликда фаолият юритаётгани ижтимоий масалаларни сифатли ҳал этиш ва муаммоларнинг олдини олиш имконини бермоқда.

Пойтахтимиздаги 505 маҳаллада милиция таянч пункти ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода фаолият кўрсатмоқда. Милиция таянч пунктларининг ҳузурида факультатив тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун жиҳозланган спорт майдончалари мавжудлиги маҳаллалар ободлиги, муҳити соғломлигига хизмат қилаётир.

Танловда айнан шу жиҳатларга, маҳаллада ўрнатилган тинчлик-барқарорлик, бу борада профилактика инспекторлари кўрсатаётган фидойи меҳнат натижаларига эътибор қаратилди.

Шайхонтоҳур тумани Чақар маҳалласидаги 363-милиция таянч пункти ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

– Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг пайшанба кунлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни, деб эълон қилингани ишларимиз самарадорлигини оширмоқда, – дейди ЎзА мухбирига 363-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори Шокир Жумаев. – Чунки шу куни профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалла фаоллари билан бир қаторда кўплаб давлат ташкилотлари, аҳоли билан ҳамкорлик асосидаги ишлар кўлами кенгайди. Ёшлар, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот тадбирларининг таъсирчанлиги ошди.

Юнусобод тумани Қўшчинор маҳалласидаги 406-милиция таянч пункти иккинчи, Сергели тумани Ҳабибий номидаги маҳалладаги 234-милиция таянч пункти учинчи ўринни эгаллади. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди. Санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга янада файз бағишлади.

**Н.АБДУРАИМОВА**

# ЁШЛАРНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

***Мамлакатимизда ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда муносиб таълим-тарбия бериб, етук кадрлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш давлатимизнинг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланди.***

Ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштирган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу борада фаол иштирок этмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидаги бошланғич ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Йиғилишда ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар, бошланғич ташкилот Кенгаши таркиби ва етакчисини сайлаш ҳамда жорий йилдаги устувор йўналишларини белгилаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида 150 нафар делегатнинг барчаси иштирок этди. Тадбирда "Камолот" ЁИҲнинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бошланғич ташкилоти етакчиси М.Конагатов ҳисоботи эшитилди.

Ҳисобот даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, маънавий-маърифий, ижтимоий, иқтидорли ёшларнинг ижодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, спортни ривожлантириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳаларида ўтказилган тадбирлар хусусида маълумотлар берилди.

Ўтган ўқув йилида 54 нафар талаба-ёшлар ва ота-оналарнинг таълим жараёни билан боғлиқ масалалардаги мурожаатлари ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилишида кўмаклашилгани айтиб ўтилди. Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган "Камолот" Кубоги" футбол мусобақаси, "Қувноқлар ва зукколар", "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати, "Камолот-боулинг", Интеллектуал олимпиадалар турнирида талабалар муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритган. Мазкур лойиҳалар ёшлар томонидан илиқ кутиб олиниб, жамоатчилик томонидан алоҳида эътироф этилганини таъкидлаш лозим.

Йиғилиш сўнгида ёшларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди ва келгуси давр учун устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**

# ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИ – ЮРТ БОЙЛИГИ

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида бир қатор хайрли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.***



Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, туғма ва орттирилган хасталиклар билан касалланган болаларни соғломлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Яқинда фонд томонидан "Она ва бола соғлиги – миллат келажаги, юрт бойлиги" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Н.Мўминов юртимизда оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, болалар ўртасидаги ногиронликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг кенг кўламда изчиллик билан олиб борилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида олиб борилган "Она ва бола соғлиги – миллат келажаги, юрт бойлиги" лойиҳаси ҳам бунга мисолдир.

Ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан 410 миллион сўм маблағ ажратилди.

Лойиҳа доирасида скрининг марказлари рентген ва реактивлар билан таъминланди. Фенилкетонурия билан касалланган болалар учун махсус озуқа, тиббиёт муассасалари учун янги тиббий жиҳозлар сотиб олинди ва жойларга етказилди.

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг туғма юрак нуқсонли 50 нафар бемор болалари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида даволанди.

– Туғма юрак нуқсони билан туғилган болаларда бу касаллик қанчалик тез аниқланса, даволаш самараси шунчалик юқори бўлади, – дейди Тошкент педиатрия институти кардиожарроҳлик бўлими бошлиғи Дониёр Пирназаров. – Она ва бола скрининг хизматининг бугунги тараққиёти туфайли болаларда учрайдиган бундай нуқсонни она қорнидаёқ аниқлаш имконияти мавжуд. Бўлимимизда 2016 йилда етти юз нафарга яқин ана шундай бемор болаларга замонавий тиббий ёрдам кўрсатилди. Айни дамда болалар кардиохирургиясининг бундай ютуқларини бошқа вилоятлардаги шифо муассасалари амалиётига жорий этиш, жойларда шундай бўлимларни ташкил этиш юзасидан кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Анжуманда ана шу имкониятдан фойдаланган болалар ва уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди.

Келажак авлод соғлигини янада яхшилаш, муҳофазалаш ва соғломлаштиришда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу эса, болажонларнинг соғлом турмуш тарзини мувофиқлаштиришда ва келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Баҳор юмушлари**

# ГУЛЛАРНИ ПАРВАРИШЛАЙМИЗ

***Мана қиш ойи ҳам ортда қолди. Бободеҳқон далага чиқди, баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетди.***

Шаҳар ҳудудида эса мавзелар, боғ, хиёбонларда сентябрь, октябрь ойларида экилган икки йиллик гуллар: тугмача гул (маргаритка), капалак гул (виола), лола, нарцисс гулларининг айримлари гуллаган, айримлари эса ниш уриб турибди. Гулхоналаримизга экилган гулларни ҳар хил чиқинди, сўлиган, чириган ва сарғайган барглардан тозалашнинг айни вақти. Уларга қараш вақтида илдизи очилиб қолмаслиги учун тупроқни тагига тўплаб қўямиз. Гулларга шакл бериш билан бирга об-ҳавонинг мўътадиллигига қараб минерал ўғит соламиз.

Бир йиллик гуллар учун ерни тайёрлаймиз, яъни қайта чопамиз, биогумос ва қум солиб, ерга ишлов берамиз. (Ариқ олиб агар шакл бермоқчи бўлсак шаклини чизамиз). Гуллар билан бир қаторда дов-дарахтларимизга, бута-кўчатларимизга ҳам қарашимиз лозим. Уларнинг синган шохларини, бачкиларини олиб ташлашимиз керак. Буталарга ҳам шаклини сақлаган ҳолда ишлов берамиз, тагини юмшатиб, ариқчалар очиб, зилол сувлар оқишига тахт қилиб қўямиз.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак оламни яшилликка буркаб, кириб келган яратиш, яшнатиш фаслида бутун атрофни гўзалликка, гулу райҳонларга буркаш учун биз ҳам майсазору хиёбонлар, уйларимиз атрофлари, ҳовлиларимизда қизғин меҳнат қучоғига отланамиз.

**Лазокат ИСЛАМОВА,**
**агроном**

# МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

***Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан "Чилонзор ЎСТК" унитар корхонаси негизидаги тирда ташкилотлар ўртасида спортнинг ўқ отиш тури бўйича мусобақа ташкил этилди.***

Ҳар йили 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкилотда фаолият юритаётган аёллар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилигини ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам анъанага содиқ қолган ҳолда аёллар ўртасида икки босқичли мусобақа ўтказилди.

Бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир жабҳасида аёллар мақомига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хотин-қизларимиз билимдонлиги, оқилалиги, тадбиркорлиги, шунингдек, соғлом турмуш тарзи учун спорт борасидаги интилишлари билан барчани лол этиб келишмоқда. Жумладан, спортнинг барча йўналишларида жаҳон ва республика миқёсидаги чемпионатларда аёлларимиз яхши натижаларга эришмоқда.

Куч ва абжирликни, шу билан бир қаторда ўта зийракликни ҳам талаб этган мусобақада жамоавий тартибдаги ВП-2 машқида 1-ўринни Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти эгаллади. 2-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ЎСТК" унитар корхонасига насиб этди. "Миробод ЎСТК" унитар корхонаси эса 3-ўринни эгаллади.

Қизғин тарзда ўтган мусобақада якка тартибдаги ВП-2 пневматик милтиқдан ўқ отиш машқида 1- ва 2-ўринни Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилотининг вакиллари Нодира Раззоқова ва Дилдора Саламовалар эгаллашди. 3-ўрин эса "Сергели ЎСТК" УК вакили Шоира Данияровага насиб этди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

**Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2017 йил 14 апрелда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.**

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун энг камида қуйидаги жадвалда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларга амалга ошириш.

**Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:**
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;
- таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланишига 1 иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 14 апрель куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 1, 16 май, 1, 16 июнь ва 3, 18 июль ва 2, 17 август кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-22-83**

**Оммавий оферта савдоларига такроран чиқарилаётган давлат активлари рўйхати**

| № | Объект номи | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.) | Объект манзили | Балансда сақловчи | ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўмда) | Инвестиция мажбурияти (млн.сўм) | Инвестиция киритиш муддатлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Маданий қурилиш" ШК | - | Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1-уй | "Маданий қурилиш" ШК | 28.04.2015й. № ПҚ-2340 | 10 711 585,00 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш | |
| 2 | "Савдо тараққиёти" ДУК | - | Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси, 1-уй | "Савдо тараққиёти" ДУК | 28.04.2015й. № ПҚ-2340 | 16 917 804 600,00 | | |
| 3 | 1 қаватли бинонинг 379 кв.метрга тенг бўлган фойдаланилмаётган ертўла қисми | 379,00 | Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 4"А"-уй | Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги | 02.03.2015й. № ВМ-39 | 1 707 783 049,33 | | |

**Оммавий оферта савдоларига такроран чиқарилаётган давлат активлари рўйхати**

| № | Объект номи | Объект манзили | Бино ва иншоотлар майдони (кв.м) | давлат улуши миқдори (%да) | Балансда сақловчи | АСОС: ПҚ/ВМҚ | Савдога чиқарилган нархи (сўм) | Давлат активини сотилиш нархи (савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм) | Инвестиция мажбурияти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Давлат кўчмас мулк объектлари | | | | | | | | | |
| 1. | Илмий ишлаб чиқариш лабораторияси бино-иншоотлари | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-уй | 6 383,00 | - | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | ЎзР Президентининг 28.04.2015й. ПҚ-2340-сонли қарори | 6 169 416 246,00 | 5 552 474 622,00 | камида 1 850 800 000 сўм миқдорида инвестиция мажбуриятини олиш - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш |
| 2. | Бино-иншоотлар | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй | 3 440,00 | - | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси | ЎзР Президентининг 28.04.2015й. ПҚ-2340-сонли қарори | 3 367 093 747,00 | 3 030 384 373,00 | камида 1 010 100 000 сўм миқдорида инвестиция мажбуриятини олиш - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш |
| 3. | Қурилиши тугалланмаган бино | Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқбўйи кўчаси | 2 194,0 | - | Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги | Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2013 й. 209-сонли қарори | 1 404 154 739,00 | | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш |
| Масъулияти чекланган жамиятлар устав фондларидаги сотиладиган давлат улушлари | | | | | | | | | |
| 4. | МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси | Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй | - | 17,5 % | МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси | ЎзР Президентининг 28.04.2015й. ПҚ-2340-сонли қарори | 1 479 496 200,00 | 1 331 546 580,00 | -энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - харид қиймати киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш |

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 335
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12959 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5